


# МУСТАҚИЛЛИК ХУҚУҚ ДЕМАҚДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



Бу бинодо миллият, мамлакат  
ҳаётига дохлдор масоалалар,  
халқ ҳаётиш, иродатини ифодаловчи  
қонунлар муҳокама этилади. Қабул қилинган,  
Уларнинг нечоғли бугунги ҳаётимизга мослиги,  
кеलाжогимизнинг нурафшон этилиши  
Сизнинг ишончли вакилларингиз —  
депутатларга боғлиқ.  
Шундай экан, келажогингизга дохлдор  
масалага бевфарқ бўлмаган.

## Сайловда фаол иштирок этайлик! Муносиб номзодларга овоз берайлик!

### • Сайловлар олдидан

## КИМ-КИМГА ОВОЗ БЕРАДИ?

Яна бир неча кундан сўнг Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Шу кунларда сайловди кампанияси ҳал қилувчи босқичга кўтарилган. Хоразм вилоятидан Олий Мажлисага 77 номзод, вилоят Кенгашига 282 номзод, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 821 номзод рўйхатга олинган. Айтиш мумкинки, бу галги сайлов депутатликка номзодларни чинакам синовдан ўтказади. Бунинг биринчи сабаби, сайлов кўппартиявийлик асосида ўтказилаётгани бўлса, иккинчиси, сайловчиларнинг талабчанлигидир. Жойлардаги учрашувлар бугунги сайловчи илгарилардан тубдан фарқ қилишини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, сайлов-

чи ўз овозининг қадрига етган. Бугунги номзод эртанги ислохотлар тақдирини белгиловчи, фаровон ҳаётни кафолатловчи қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишда бевосита иштирок этишини англаган сайловчилар номзодларнинг шахси билангина қизиқиб қолмасдан, уларнинг дастурларига ҳам катта эътибор беришмоқда. Сайловчилар мактаб, боғча ёки чойхона қуришни, кўчани асфальт қилишни ваъда қиладиган киши учун эмас, балки давлат мижёсидаги ривожланиш дастурларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатишга қодир шахс учун овоз бериш истагини билдиришмоқда.

Сайлов жараёнида фуқароларнинг сиёсий фаоллиги уларнинг эл-юрт тақдири,

кеलाжак ҳаёти учун бевфарқ эмасликларидан далолат беради. Бу фаолликнинг замирида фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги, сайлов қонунчилигидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳам уларнинг ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли тadbирларни амалга оширмоқда.

— Номзодлар билан сайловолди учрашувларда прокуратура ходимлари ҳам иштирок этишмоқда, — дейди вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Шерали Раҳмонов. — Ҳар бир сайлов округида, участкасида сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунданми, вилоятимизда сайлов қонунларининг бузилишига оид бирорта ҳолат қайд этилмади.

Бозорбой УЛЛИБОБОВ,  
«Хуқуқ» муҳбири

### • Республика прокуратурасида

Шу йил 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Бош прокурорнинг 1-ўринбосари Азимжон Эргашев бошқарди. Унда марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажанов, Молия вазири ўринбосари В.Зинин, Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари А.Ақбаров, Давлат солиқ қўмитаси раиси муовини В.Беганов, Давлат статистика бошқармаси бошлиғи муовини Р.Маҳмудова ва бир қатор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.



## ИШ ҲАҚИ НЕГА ЎЗ ВАҚТИДА ТўЛАНМАЯПТИ?

Республика прокуратурасида бўлиб ўтган  
Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш  
йиғилишида ана шу саволга жавоб изланди

Мажлисида қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, автомобил-транспорт, саноат корхоналари ҳамда тегишли банкларда ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Республика прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи Х.Маҳмудов шу ҳақда ахборот берди. Шунингдек, мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг мазкур масала юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Мажлисида Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан юқорида қайд этилган соҳалар ва уларнинг хўжалик юритувчи субъектлари раҳбарларига мавжуд муаммони бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

(Газетамизнинг 2-саҳифасида Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси бошлиғи Х.Маҳмудовнинг мажлисда сўзлаган маърузаси матни қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда).

Республика прокуратурасида

# ИШ ҲАҚИ НЕГА ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНМАЯПТИ?

Республика прокуратурасида бўлиб ўтган Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида ана шу саволга жавоб изланди



— Бугун сизу биз мустақилликнинг 9-йилида яшамоқдамиз. Шу давр мобайнида мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлди. Миллий кадриятларимиз тикланди. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш давлат сийбати даражасига кўтарилди.

Умуман, кейинги йилларда халқ фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий таъминотнинг ахлит, барқарор тизimini шакллантириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Адолат тамойилларига асосланган қонунларимиз бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлиги шубҳасиздир. Аммо Ўзбекистон Конституцияси, Меҳнат кодексига меҳнат қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш лозимлиги белгиланган бўлсада, тан олиш кераки, айрим ҳолларда баъзи ташкилот ва корхоналарда иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги ҳолатлари кузатиламоқда. Шу йил 17 ноябрда Вазирлар Маҳкамаси «Иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилганлиги шу билан изоҳланган.

Иш ҳақи бўйича қарздорликнинг асосий сабаблари — корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳоли қониқарсиз эканлиги, ҳисоб рақамларида маблағ етишмаслиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардор эмаслигидир. Шунингдек, ўзаро ҳисоб-китоб интизомининг қўпол равишида мунтазам бузиб келиниши, бажарилаётган ишлар-у қўрсатилаётган хизмат учун олдиндан 15 фоизли тўлов амалга оширилмаётганлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаётганлиги, иш ҳақи ва бошқа тўловлар учун ажратилган маблағларнинг мақсадсиз ишлатилиши, баъзан фарз мақсадларда ўзлаштирилиши ҳам шу сирага киритиш мумкин. Бундан ташқари, мазкур қонун бузилиш ҳолатларига ҳокимликлар ва банк муассасалари томонидан етарлича назорат амалга оширилмаганлиги, жойлардаги прокуратура идораларининг амалдаги қонун талаблари ижроси устидан прокурорлик назоратини лозим даражада таъминламаганлиги, айбдорларга нисбатан амалдаги қонун талабларига мувофиқ қатъий прокурорлик таъсир чоралари қўлланилмаганлиги оқибатида ҳам йўл қўйилган.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича қарздорлик 2,3 млрд сўмга етган. Қарздорликнинг юқори даражаси Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона вилоятларида сақланиб қолмоқда. Наманган вилояти Янгиқўргон тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси фаолиятида 1999 йил 25 сентябрь кунигача жами 4,4 млн. сўмлик, шундан муддати ўтган 2,1 млн. сўмлик дебиторлик қарзи мавжуд бўлган холда «Ходикент» жамоа ҳўжалигига феврал ойида олдиндан 15 фоизлик тўловни ундирмасдан 168,4 минг сўмлик, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасидан май, июн ойларидан 1034500 сўмлик, Заркент туманлараро қурилиш-таъмирлаш корхонасига 117,2 минг сўмлик ишлар бажарилганлиги натижасида 1 сентябрда ишчи-хизматчиларга иш ҳақидан 2,1 млн сўмлик қарз вужудга келган.

Фарғона вилояти Бешарик туманидаги «Яккатут» ширкатлар уюшмасида ўтказилган текширишда жорий йилнинг биринчи август ҳолатига кўра ишчи-хизматчилардан иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик 61,6 млн сўмни ташкил этиши аниқланган. Лекин уюшма мансабдор шахслари қарздорликни бартараф этишнинг қонуний чораларини кўрмаган. Бу каби мисолларни истаган вилоятдаги кўплаб келтириш мумкин. Юқоридаги ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Республикамизнинг қурилиш соҳаси билан боғлиқ корхона ва ташкилотларида ҳам қайд этилган даврга нисбатан мазкур масаладаги қарздорлик миқдори 1 млрд. 527,5 млн. сўмни ташкил этади.

Фарғона вилояти Қирғули туманидаги 296-ҳўжаликлараро ихтисослашган кўчма жамламада 1999 йил август ойи учун ишчи-хизматчиларига иш ҳақи учун олинган 1 млн 354 минг сўмлик маблағдан 51 минг сўми мукофот тарикасида, 104 минг сўм эса бошқа мақсадларга ишлатилган.

Халқ ҳўжалигининг санаят соҳасидаги корхона ва ташкилотларида ҳам иш ҳақи ва бошқа тўловлардан қарздорлик миқдори 2 млрд. сўмдан ошиб кетган. Шунингдек, юқорида қайд этилган соҳаларнинг тегишли ҳўжалик юритувчи субъектларига хизмат қўрсатувчи республика банклари бўйича ҳам иш ҳақи ва бошқа тўловлардан қарздорлик миқдори юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Хусусан, «Пахтабанк» ихтисослаштирилган акциядорлик

тижорат банки муассасалари томонидан хизмат қўрсатилувчи ҳўжалик юритувчи субъектларда иш ҳақи ва бошқа тўловлардан қарздорлик миқдори 1999 йилнинг 1 январидан 432,8 млн. сўм эди. 1 сентябргача бу қўрсаткични 101 млн. сўмга қадар камайтиришга эришилган. Аммо бундан хотиржамликка берилишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ, деб ҳисоблайман.

Бу каби танқидий фикрларни «Турон», «Савдогар», «Фаллабанк», «Ипак йўли» каби бир қатор банклар шаънига нисбатан ҳам билдириш мумкин. Улардаги қонунбузилиш ҳолатларини эса, бармоқ билан санаш мумкин эмас. Мисол тарикасида айтиш мумкинки, Сирдарё вилоят «Пахтабанк»нинг Сардоба бўлими томонидан «Автомобилчи» акциядорлик жамияти ҳисоб рақамига иш ҳақи учун келиб тушган 259,7 минг сўмлик маблағдан 40 минг сўми 5 кун, 34 минг сўми 18 кун, 174 минг сўми 24 кун кечиктириб берилган ва 85,7 минг сўми кам берилганлиги аниқланган.

Санаёт қурилиш банкнинг Амалиёт бошқармаси томонидан хизмат қўрсатилаётган «Ўзбеккумир» акциядорлик жамиятининг маркетинг ва таъминот бўйича фирмасига иш ҳақи тўлаш муддати ҳар ойнинг 16 ва кейинги ойнинг биринчи санасига белгиланган ҳолда жорий йилнинг январ ойи учун иш ҳақи маблағи 22 апрелда, феврал ойи учун 2 июнда, март ойи учун 16 июнда берилган ҳолос.

Ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилаётган фуқароларнинг иш ҳақини ўз вақтида бермаслик каби қонунбузилишлар, жиноий хатти-ҳаракатлар мустақил Ўзбекистонимизнинг ривожланиш йўлига ўзига хос йўсинда тўсиқ бўлмоқда. Ушбу ноқонуний ҳолатларнинг ўз вақтида олди олинмаслиги, айбдор кимсаларнинг қилмишига яраша жазоланмай қолиши каби ҳолатлар мустақиллигимиз тўғрисида тасавури аниқ шаклланмаган, айниқса, ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган аҳолининг турли нотўғри йўللарга кириб кетишига замин яратиши мумкин. Қайд этилган соҳалар ва умуман, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида иш ҳақининг ўз вақтида берилишига эришиш ҳўкуматимиз юритаётган кучли ижтимоий ҳимоя сийбатида аҳоли ўртасида ишончли қучайтирилиши ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Ҳасан НИШОНОВ эъиб олди

### ТАХРИРИЯТДАН:

Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» крссасидаги бир эпизод ёдингизми? Ҳасис бой крсс кахрамони Қоравойни ишлаб-ишлаб, охирида иш ҳақи сифатида бир қоп чиргани олма бериб юборди. Бу воқеа асрнинг бошларида бўлиб ўтган. Афсуски, бугун айрим ҳўжалик раҳбарлари шу бой қилган ишни қилмоқдалар, яъни баъзи ҳўжаликларда ишчиларга иш ҳақи ёғ, ун, гуруч, соеву билан натурада тўланмоқда. Янаёна афсусланарис эса баъзи ҳўжаликларда иш ҳақининг оилаб тўланиш келимаётганлигидир. Бунинг сабаблари кўп. Мисол учун, йиғилишда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг муовини Абдувоҳид Жўраев таъкидладики, бу йил тизимда тақририй экин экилган 86 минг гектар ер ҳисобга киритилмай, яширилганлиги аниқланган. Мутахассисларнинг айтишича, бундан олдинга даромад 3 млрд. сўми ташкил этади. Вазирликнинг ишчи-хизматчилардан берилмаган иш ҳақи ҳисобидан қарзи 1,5 млрд. сўм эканлигини айтишининг ўзиёқ кўп нарсани ойдинлаштиради.

Ҳуқуқий-демократик жамиятда бундай галлар қуллоқка галати эшитилар экан, Махлусда бу рўй-рост таъкидланди ва келишилдики, келгусида бу каби ноҳуш ҳолатларга мутлақо йўл қўйилмаслиги керак. Бизнинг ҳам тилагимиз шу.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САЙЛОВИДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловида овоз бериш 1999 йил 5 декабр куни эрталаб соат 6.00 дан бошла- кеч соат 20.00 гача давом этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабига кўра, овоз бериш жараёни қуйи- дачи ташкил этилади.

Сайловчи овоз бериш учун келар экан, ёнида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Сайлов участкасига келгач, сайловчи ўз ҳужжатины участка комиссиясининг аъзосига қўрсатади. Комиссия аъзоси сайловчилар рўйхатига муво- фиқ ҳужжат тақдим этган сайловчининг шахсини аниқлагани- дан кейин унга сайлов бюллетени беради. Сайловчи эса бюллетен олганлигининг тасдиғи сифатида сайловчилар рўйха- тига имзо қўяди.

Бирор-бир сабабга кўра, айрим сайловчиларнинг фамилия- лари сайловчилар рўйхатига кирмай қолганлиги аниқланса, участка сайлов комиссияси сайловчининг шахси, фуқаролиғи ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан, уни сайловчи- лар рўйхатининг иловасида қайд этади. Шундан кейин сайлов бюллетени бериш юқоридаги тартибда амалга оширилади.

Сайловчи у ёки бу номзодага нисбатан ўз муносабатини билдириши, яъни сайлов бюллетенини тўлдириши махсус кабина ёки хонада амалга оширади. Бу вақтда кабина ёки хонада сайловчидан бошқа бирор-бир киши ёки кишиларнинг ҳозир бўлиши қатъян таъкикланди.

Сайловчи бирор-бир сабабга кўра, сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдирар олмаса, у бошқа бир кишини ёрдамга чақирishi мумкин. Бундай ёрдам қўрсатувчи шахслар доираси қонунда қатъий белгилан қўйилган. Бу борада сайлов комиссияларининг аъзолари, кузатувчилар, номзодларнинг ишон- чи вакиллари сайловчига ёрдам қўрсатишлари таъкикланди.

Сайловчи сайлов бюллетенини олиб, кабина ёки хонага киргач, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоддан бошқа номзод- ларнинг фамилияларини ўчиради.

Сайловчи сайлов бюллетенига қўшимча тарзда бирор-бир кишининг фамилиясини ёзиб қўйса ёки бирон-бир бошқа ёзув қолдирса, улар инобатга олинмайди.

Биттадан ортқ номзодларнинг фамилиялари ўчирилмай қол- дирилган сайлов бюллетенлари ҳаққий эмас деб топилди.

Сайловчи тўлдирилган бюллетенини сайлов қўтисига ташлай- ди.

Баштарти, овоз берувчи у ёки бу сабабга кўра, сайлов бюллетенини бузиб қўйса, унинг илтимосига кўра, участка сайлов комиссияси унга янги бюллетен беради. Бузиб қўйил- ган сайлов бюллетенлари эса сайлов комиссияси томонидан ҳисобга олинмай, бекор қилинади ва апохида сақланади.

Айрим сайловчилар бетоблиғи ёки бошқа узрли сабабларга кўра, овоз бериш биносига кела олмаслиғи мумкин. Участка сайлов комиссияси бундай шахсларнинг илтимосини қонди- ри, овоз бериши улар турган жойда ташкил этади. Бу вазифани бажариш комиссия аъзолари зиммасида бўлади.

Тегишли участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш чоғи- да тартиб сақланиши учун жавобгардир.

### Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Оқру сайлов комиссиясининг кўри

(НМС)

Участка сайлов комиссиясининг кўри

(НМС)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатини сайлаш бўйича**

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ**

**00 — БАҲОР САЙЛОВ ОКРУГИ** 5 декабрь, 1999 йил

**ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР:**

**КАНДИДАТ В ДЕПУТАТ:**

АТТИНИ	Туғилган вақти	Туғилган жойи	Училиши
АНТОНОВ Александр Сергеевич	1936 й., 11-август	Ташкент шаҳри 11-августдан яраш	Ўзбекистон «Амал» социал-демократик партияси
БОТНОВ Шавкат Рахмонович	1946 й., 1-август	Ташкент шаҳри 1-августдан яраш	Ўзбекистон «Пайи тарбия» партияси
РАСУЛОВ Умид Рахмонович	1948 й., 1-август	Ташкент шаҳри 1-августдан яраш	Ўзбекистон «Миллий тўқимачи» партияси
ТУРСУНОВ Мамад	1944 й., 1-август	Ташкент шаҳри 1-августдан яраш	Ўзбекистон «Миллий тўқимачи» партияси
Ино Мамедов	1936 й., 5-август	Ташкент шаҳри 5-августдан яраш	Ўзбекистон «Миллий тўқимачи» партияси
ФУЛЛОДА Тўрмуш Назарович	1948 й., 1-август	Ташкент шаҳри 1-августдан яраш	Ўзбекистон «Миллий тўқимачи» партияси
ҚИЛИЧОВ Гўли Шавкатович	1949 й., 1-август	Ташкент шаҳри 1-августдан яраш	Ўзбекистон «Миллий тўқимачи» партияси

**Ҳасан НИШОНОВ эъиб олди**

**Қарин овоз берилган депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўчирилди.**

**Овоз бериш чоғида биттадан ортқ депутатликка номзоднинг фамилиясини қолдирилган сайлов бюллетени ҳўқий эмас деб ҳисобланади.**

**Ҳисобнинг фамилия кандидат в депутаты, против которых голосуете. Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата в депутаты, признается недействительным.**

• Депутатликка номзодларимиз

Жўра Каримов дастлаб Самарқанд кооператив техникумининг битирган. Кисқа муддат Ангор туман савдо ташкилотиди товаршунос вазифасида ишлади. Сўнг ҳарбий хизматга кетди.

Ҳарбий хизматдан қайтган йилеёқ ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқишга кирди. Кўз очиб-юмгунча талабалик йиллари ҳам ортда қолди. Меҳнат фаолиятини 1967 йилда Сарийосиё туман прокуратурасида терговчиликдан бошлади. Тез орада уни виллоят прокуратурасининг тергов бўлимига ишга олишди. Кейинчалик шу бўлимга раҳбарлик қилди. Ниҳоят унга катта ишонч билдирилди. 1973 йилда воҳадаги энг йирик туманлардан бири — Шўрчиға прокурор этиб тайинланди. 1979 йилда эса Музаброт туман прокурори лавозимига ўтказилди. Бу ерда у ана шу масъулиятли вазифада ўзқизил йил ишлади. Шундан сўнг, ўз фаолиятини яна виллоят прокуратурасида давом эттирди. Катта терговчи,

номзод ўша ёққа бордик. Виллоят раҳбарларининг ҳомилиги туфайли тепадан келган еттинчи номзод учун эса туман марказида махсус учрашув ташкил этилибди. Бунинг устига ўша хушомадгўй амалдор «Сув юқоридан паства оқади. Қандай қилсаларингиз ҳам шу одамни ўтказиб берасизлар», қабилида «топшириқ» берибди.

Кейинчалик ҳам худди шу ҳол такрорланди. Хуллас, ўша мартабали номзодга имтиёзли шароит яратиб беришди. Ахир, демократия буйруқбозлик билан амалга оширилмайди-ку!

Жўра Каримовнинг номзоди ташаббускор гуруҳ томонидан кўрсатилган. Унинг номзодини қўллаб-қувватлаб, қарийб 5000 имзо тўплаган. Шундан сўнг у 137-Ангор сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига мустақил номзод сифатида рўйхатга олинган.

Унинг номзод сифатидаги сайловолди дастури ҳам эътиборга лойиқдир. Унда жумладан шундай бан-



# УНГА ИШОНСА БЎЛАДИ

бўлим бошлиги вазифаларида ишлади, 1995 йилдан буён эса умумий назорат бўлими прокурори.

Жўра ака 33 йилдан буён прокуратура идораларида ёруғ юз билан ишлаб келаяпти. Унинг хизматлари инобатга олининг, «Республика прокуратурасининг Фахрий ходими» деган шарафли унвон билан тақдирланган.

Жўра Каримов ҳақгўй ва адолатпарвар инсон. Ҳар қандай қонунбузарлик ҳолларига нисбатан мурокасиз. Пркурор сифатида талабчан ва қаттиққўл.

...Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ушанда Жўра ака Музаброт туман прокурори эди. Бир гурунгда гап айланди, қонунчиликка тақалди. Шунда ҳамсубатлардан бири иккинчисига «Сен ҳали Жўра Каримнинг совунига кир ювмабсан», деди. Беғараз кулгу кўтарилди. Унинг бу фикрини бошқалар ҳам қўлаб-қувватлади.

Яқинда виллоят прокуратурасининг «Адолат тарозиси» газетасидан Жўра аканинг бир мақоласини ўқиб қолдим. Сарлавҳасини ҳам топиб қўйган: «Текин тўк — ишлаганга йўқ». Унда иш ҳақидан қарздорлик муаммоси таҳлил этилган. Унинг келиб чиқиш сабаблари фош қилинди. Хусусан, қишлоқ ҳўжалик соҳасида ердан, минерал ўғит, ёқилгўй-ойлаш материалларидан самарасиз фойдаланилаётгани, қолаверса халқнинг миллион-миллион сўмлаб пул ҳамда моддий бойликлари ноинсоф раҳбар ва бошқа юлғичлар томонидан талон-тарож қилинаётганилиги, меҳнатқашлар эса ҳатто йиллаб ҳалол меҳнат билан тоған машинани ололмаётгани эътироф этилган. Албатта, бунга рад этиб бўлмас мисоллар ҳам келтирилган. Сарлавҳа ҳам худди шу фикрдан келиб чиққан.

... Жўра акани излаб виллоят прокуратурасига бордим. Ниятим холисмикан, у кишининг ўзлари келиб қолди.

— Сайловолди учрашувлари қандай ўтаяпти? — дея сўрадим.

— Яхши эмас-да. Фирромлик бўлаяпти, — деди у куйиниб. Ва сўнг фикрини этиги билан тушунтирди. — Сайловчилар билан ўтказилган учрашувларнинг округ сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган жадвали бор. Шўнга мувофиқ, 16 ноябрь кунин Тўлаков номли жамоа ҳўжалигиди учрашув ўтказилиши керак эди. Биз олти

длар бор:

— Масъул мансабдор шахсларнинг порохўрлик ва бошқа суиистеъмоликлар билан бойишларини чеклашга қаратилган даромаднинг декларация қилиш ҳақиди қонун қабул қилиш тўғрисидаги ташаббуси билан Олий Мажлисга мурожаат этиш;

— халқ, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказмайдиган, садоқати, уруғ-аймоқчилигига қараб масъулиятли лавозимларга тайинлашишга гов бўладиган мақбул қонунлар қабул қилиниши учун Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиш;

— 1998 йил 19 мартда қабул қилинган «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ ҳўжалигиди иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Дастури»нинг ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тупрок унмдорлигини ошириш, пахтачилик ва галлчиликда серҳосил ва тезлиҳар навлар яратиш, қишлоққа техника, минерал ўғитлар етказиб беришга оид қисминини виллоятда баҳарилишини тўлиқ тазминлашга вазирлик ёки мансабдор шахсининг ҳисоботини тегишли жойда эшитиш масаласини қўйиш;

— ҳукумат қарорига кўра Андижон виллоятда етиштирилган ва тайёрланган, ўта қиммат нарҳларда олиниб, виллоятнинг асосий майдонларига экилаётган бугўдай уруғлигини виллоятнинг иқлим ва тупрок шароитига мослаштирилмаганлиги боис ҳосил кам олинаётганлигини эътиборга олиб, ҳукуматнинг бу қарорига ўзгартириш киритиш масаласини тегишли тартибда қўйиш;

— Сайловчилар билан алоқани мустаҳкамлаш, жамоатчилик фикрини, аҳоли талаб-эҳтиёжларини ўрганиб, бу ҳақда давлат ҳокимиятининг тегишли органларига билдириш, қонунлар ва қарорлар тайёрланишига тақлифлар киритиш».

Жўра ака катта ҳаётий тажрибага эга. Фикр доираси кенг. Ҳар қандай масала бўйича ўз мустақил фикрига эга. Хусусан, Ангор тумани шароити ва аҳолисининг ўй-ташвишларини жуда яхши билади.

Ёши олтимшдан ошган бўлса-да, ҳали бардам ва тетик. Кўп савоб ишларга бош-қош бўлиши мумкин. Унга ишонса бўлади.

Курбон ЖўРАНАЗАРОВ,  
«Хуқуқ»нинг махсус муҳбири

# ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА КАМАРБАСТА ҲУҚУҚШУНОС

«Уйиди тинчи бўлсин йигитнинг аввал...» Дарҳақиқат, эр кишининг бағри бутунлигиди ҳикмат кўп.

Чексиз меҳри соясида гуллаб-яшнаётган аёли, юз-қошларидан нусха кўчган фарзандлари унинг кўзлаган мақсадлари йўлида юксакларга парвоз қилишида кўш қанот вазифасини ўтайди. Бир сўз билан айтганда, эр-қакнинг умр мазмуни ҳам шулар.

Биз бежиз сўзбошини ушбу жумлалар билан бошламадик. Боиси бугун сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз Тоҳир Ражабовни икки қарра бағри бутун йигит десак, ҳеч муболага қилмаган бўламиз.

Чунки Тоҳир Ражабовнинг ёшлари улуг, ҳар бир сўзлари пурмаёно, фарзандларини куну тун дўзо қилиб, йўлларини ёритувчи ой-у қўёши ҳаёт. Ҳавас қилса аризғулик вазиридоно рафиқаси, муаллима Холидаҳон бекалик қилаётган ширингина оилага бошлик. Фарзандлари Зафарбек, Элдорбек ва Нарғизаларнинг суянган тоғлари, меҳрибон дада-жонлари. Ахир уларнинг саломатлигини, камолини кўришдан ортиқ бахт борми? Қолаверса, ўта масъулиятли, ўзига хос машаққатли, интизомий мустаҳкам касбда астойдил хизмат қилишида уларнинг ҳамжиҳатлиги муҳим аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас.

...Куч-ғайрати билагига сифмаган, ўта қизиқувчан ва интилувчан Тоҳир ўрта мактабни тугатгач, қайси касб этагини тутиш ҳақида кўп бош қотирмади. У аллақачонлар «мен ҳуқуқшунос бўламан» дея қатъий қарорга келиб бўлганди.

Ҳуқуқшунослик касбининг мураккаб соҳа эканлигини, унинг сир-синаотини кунт билан эгаллаш кераклигини яхши англаган Тоҳир ўқиб-ўрганишни қуйи поғонадан бошлади. 1979 йил Тошкент юридик техникумига ҳужжат топширди. Ўқиб сомайинида Тоҳир бу касбни танлаб, хато қилмаганига, ишлаб кетишига билими, қобилияти етишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилди. Қисқаси, шу икки йил Тоҳир учун синор даврини ҳам ўтади. Ўқини битиргач, ўзини меҳнат жаҳасида синаб қўрди.

Энди у орзуси йўлида навбатдаги юқори чўққини забт этиши лозим эди. Яхши ният билан 1985 йили Самарқанд Давлат университетининг юридик факультетида ҳужжат топширди. Омад қилиб боқиб, талабаликка қабул қилинди. Ўқиб-изланишдан ҳеч эринмади. Устозлар ёрдамиди олийгоҳда олган назарий билимларини амалда ўз ўрнида қўллашни ўрганди. Иш жараёнида бир кичикнинг, бир қатганинг маслаҳатига қулук тутди. Кам бўлгани йўқ. Шу кунгача Тоҳир Ражабов қайси лавозимда ёки вазифада хизмат қилган бўлмасин, ўзига бириктирилган топшириқнинг масъулиятини тўлиқ ҳис қилиб, виджонан баҳарлишга ҳаракат қилган. Айниқса, терговчилик лавозимиди билим ва малакасини ишга солиб, бир неча ўта оғир жиноятларни фош қилишга эришган ва эришмоқда. Бу борада у ўзига хос мактаб яратди.

Тезкор хабарлардан: «...Боёвут тумани Н.Маҳмудов номли жамоа ҳўжалигининг 1-бўлими ҳудудиди зовур бўйидагн номаълум шахсининг жасади топилди...»

...Боёвут даҳасининг жанубий ва шимолий ҳудудларини бирлаштирувчи кўприк остида-



Ражабов Тоҳир Ҳасанович, 1960 йилда Самарқанд виллояти Қўшработ туманида туғилган, олий маълумотли ҳуқуқшунос, 1985 йилда СамДУнинг юридик факультетини тамомлаган.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Айни вақтда Сирдарё виллоят прокуратураси тергов бўлими прокурори.

ги тўғондан номаълум аёл кишининг мурда-си топилди...

...Боёвут тумани ширкатлар уюшмасидаги ахлатхонадан Марказий омбор мудирининг жасади топилди...»

Уз вақтида турли «миш-миш» ва «деди-деди»лар туфайли туман чегарасидан ўтиб, бир зумда виллоят бўйлаб тарқалган мазкур котиликларнинг содир бўлиш сабабларини ўрганишда, очилда, жиноятчиларни топилда Тоҳир Ражабовнинг ўз касбини мукамал эгаллаганлиги қўл келди. Унинг аниқ, мақсадли саъй-ҳаракатлари натижасида жиноят фош қилиниб, айбдорлар суднинг қора курсисига ўтқазилиб, тегишли жазоларини олди.

Бугун Тоҳир Ражабовни олдида навбатдаги юқори чўққини забт этиш вазифаси турибди. У 130 - Боёвут сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилган. Боёвутлик сайловчиларга Тоҳир Ражабовни қандай инсон эканлигини айтиб ўтишини ҳождати йўқ. Сабаби Тоҳир Ражабов салкам 2 йил ушбу туманда прокурорлик қилган. Демак, боёвутликлар Олий Мажлис депутатлигига кимнинг номзодини кўрсатишни яхши билишади.

Айни кунларда «Ватан тараққиёти» партиясини томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзоди қўйилган Тоҳир Ражабов сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Юзма-юз мулоқотлар баъзан баҳс-мунозараларга айланди кетди. Тоҳир Ражабов сайловчиларга «Агар мен депутат бўлсам...» дея қоп-қоп ваздалар бермайди. У ҳуқуқшунос сифатида ватан тараққиёти йўлида қандай фаолият кўрсатишни, халққа қай йўсинда ёрдам қилини чўзишни яхши билади. Гапнинг индаллосини айтганда, Тоҳир Ражабов ариқларга лоток ўтказмайди, иситиш қувурларини алмаштирмайди ҳам. Аммо, эл-юрт манфаати, фаровон турмушга қаратилган қонунларни қабул қилишда ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок эта олади. Қолаверса, юртдошларимизнинг ҳуқуқий савиясини оширишда ўзининг чуқур билим ва малакасини аямайди. Бу борада унинг ҳуқуқшунос сифатида билим даражаси ҳам, малакаси ҳам етишига ишончимиз комил.

Барчамиз учун ягона ватаннинг тараққиёти сари, ғайрат шижоат билан илдам кадам ташлаётган ҳуқуқшунос Тоҳир Ражабовга навбатдаги чўққини забт этишда «Омад қилиб боқсин», дея тилак билдирамиз.

Феруза УМАРОВА,  
«Адолат кўзуси» муҳбири

«Қонун ҳимоясига» журнали ва «Хуқуқ» газетасига 2000 аил учун обуна гавом этмоққа.

Обуна индекслари:  
«Қонун ҳимоясига» — 231; 232.  
«Хуқуқ» — 838; 840.

Нашрларимизга республикамизнинг барча слока тармоқлариди обуна бўлиш мумкин.

НАШРЛАРИМИЗГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАН!

### • Депутатликка номзодларимиз

Самарқанднинг Нуробод тумани Қаратоғ этаклари бўйлаб Новий вилоятга қадар чўзилиб кетган. Телоадан қаратганда она замин белидаги камордек ястаниб ётган тоғ этакларидаги қишлоқлардан бирининг номи - Меҳр. Қишлоқнинг номи бежизга бундай аталмаган. Бу ерда содда, ақибатли одамлар яшашди. Тўй - азада, ҳашарда қишлоқ катта-кичиги бир-бирларини қўллашиб, бел боғлаб хизмат қилишди. Меҳмон келса, қўни-қўшилариликдан ҳам бир пиёла чой ичмаса, сўхбат қурилмаса кетишга рух



рени очишда кеча-кундуз ишладилар. С.Тиловова кичик одлия маслаҳатчиси даражаси мuddатидан олдин берилганлиги ҳам ана шу хизматлари натижасидир.

Оқибатлики, меҳр-муҳаббат, ўзгалар меҳнати, хизматини қадрлаш, она юртга садоқат Салим Тиловова ота-боболаридан кўчган. Турмуш ўртоғи Ойсарахон билан икки ўғил, бир қизни вояга етказмоқда. Оғир, шарафли вазифани адо этшида Ойсарахон умр йўлдошининг уйда эшикни очиб ўтирадиган меҳрибон бека, қийин

## МЕХРДАН ЧИҚҚАН ХУҚУҚШУНОС

сат берилмайди. Бировни ғийбат қилиш, айбини бетига айтиб уялтириш, кўпнинг олдида изза қилиш қишлоқ аҳлига мулкка бегона. Қишлоқда яшовчилар ота-боболарининг азалии урф-одатларини йўқотганлари йўқ. Ўзбекларга хос камтаринлик, тантилик, меҳмондўстлик, оқибатлилик, ўз киндик қони тўқилган юртга меҳр-муҳаббат хислатларини ёшларга, ўғил-қизларга «юктириш» Меҳр аҳлининг доимий одати.

Туман тайёрлов идораси ишчиси Умбар ака рафикаси Ойша опа билан қишлоқда яшашди. Улар беш ўғил ва икки қизни вояга етказишди. Ота-она эндиликда қариллик гаштини суришяпти. Салим уларнинг иккинчи фарзанди. У саккиз йил қишлоқнинг паст кам, оддийгина қурилган мактабида таҳсил олди. Ўрта мактабни эса, қўшни-Пастдаргом тумани маркази Жума шаҳрида битирди. Ҳавас, иштиёқ уни ТошДўнинг ҳуқуқшунослик факультетига етказди. 1979-1984 йилларда талабаликнинг олтин дaврини пойтахтнинг гавжум дорилфундуида ўтказди. Етук ҳуқуқшунос олимлардан шарафли касбнинг мураккаб томонлари-нозарий ва амалий билимларни эгаллади. Ҳалим Бобоев, Анвар Аъзамхўжаев, Бердиёр Аҳмедов, Орол Эрнazarов каби етук ҳуқуқшунос устозлари ўғитлари С.Тилововага қалбидан бир умр муҳрланиб қолган.

Ўқини битиргач Салим Тиловова Сурхондарё вилоятига

йўлланма беришди. Сарисийё тумани прокурори ёрданчиси, вилоят прокуратураси тергов бўлими прокурори вазифаларида ишлади.

— Шундан сўнг Шеробод туманига ишга ўтказишди, — дейди С.Тиловова. — Уша пайтда таниқли ҳуқуқшунос, жуда кўп шогирдларнинг устози «Республикада хизмат кўрсатган юрист» Чори Жўраев туман прокурори эди. Устозни оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин. Мен у кишидан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Ишдаги тортиб, орасалик, қонун олдидаги юксак бурч ва масъулият устозимиз томонидан шу-уримизга сингдирилди. Сурхондарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори вазифасига тайинланганларидан кейин ҳам устоз ўғитлари ҳар кун, ҳар соат менга мадад бериб турди.

Ҳаётнинг паст-баландлари, синовларидан муваффақиятли ўтган, яхшигина касбий тажриба орттирган Салим Тиловова 1995 йилнинг ноябр ойида Республика прокуратурасининг криминалистика бўлими прокурори этиб тайинлашди. 1999 йилнинг март ойидан буён эса, у мазкур бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлаб келяпти.

Тошкентда юз берган фероль вакеалари катта-кичкининг ҳеч қачон ёдидан чиқмайди. Ахир, конституцион тузумимизни ағдаришга қилинган уришничи унутиб бўларканми? Бўлим ходимлари ҳам С.Тиловова бошчилигида бир гуруҳ хонларнинг жинойи кирдикорла-

чилик, чарқок пайтида унга таянч мадад.

Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг 3-қурултойида Салим Умбарович Тиловова-нинг номзоди 113-Нарпай сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилди. Бу демократия, мустақиллик шарафати. Депутатликка номзод билан бўлаётган учрашувларда сайловчилар «Инсонийлик, адолат ва қонун устуворлигига амал қилиш» широрини ўз олдига мақсад қилиб қўйган Салим Тиловова-нинг дастурини зўр қизикчи билан тинглаб, мағзини чамқочдалар. Агар Салим Умбарович депутат этиб сайланса қонун устувор бўлган эркин, ҳуқуқий-демократик давлатнинг, бундан кейин қабул қилинадиган қонунларнинг тайёрлаш, амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритишда билими, тажрибаси, устозлар ўғитлари, халқ ва сайловчиларнинг ният, орзуларини ҳуқуқий манбаларга сингдиришга қарор қилган.

Озод ва обод Ватанини эртанги кунини йўлаётган, фарзандлари келажоғи учун жон куйдираётган нарпайлик сайловчилар эндигина кирчиллама қирқ ёшга қадам қўяётган билимдон ҳуқуқшунос Салим Тиловова-нинг номзодини ёқлаб овоз беришса ҳеч хато қилишмайди.

**Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
журналист,  
депутатликка  
номзоднинг ишончли вакили

### • Хуқуқий давлат сари

## САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРМИЗ

Куни кеча муҳбиримиз Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 285-сайлов участкасида бўлиб, комиссия аъзоси, доцент Асомиддин ЭГАМБЕРДИЕВ билан сайловолди тайёргарлик ишлари хусусида сўхбатлашди.

— 12-Қорақамиш сайлов округи таркибига кирган сайлов участкамиз Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетининг Маданият саройига жойлашган. Мазкур участка сайлов комиссияси 15 нафар аъзодан иборат бўлиб, улар таркибига катта ҳаёт ва иш тажрибасига эга бўлган ҳамда жамоатчилик ўртасида эътибор толган иқтидорли, фидойи ёшлар киритилган.

Ўтган вақт давомида участкада сайловларга тайёрларлик ишлари белгиланган аниқ тадбирлар ва режалар асосида изчил амалга оширилди. Шунингдек таъкидлаш жоизки, бу ишда бизга 12-Қорақамиш округ сайлов комиссиясининг аъзоси, талабалар шаҳарчаси директори Адхамжон Эргашев, ТошДУ проректори П.Рустамов, О.Маматкаримовлар, ҳамда ҳисоблаш маркази бошлиғи А.Абдуқодировлар яқиндан ёрдам беришмоқда. Сайлов участкаси Конституциямиз, сайлов ҳақидаги қонунлар тўплами, йўриқномалар, мамлакатимизни табиий ва сиёсий-маъмурий қарталари, участка харитаси, ёзув ускуналари, иш қоғозлари, телефон алоқаси ва компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланган. Участка навбатчилари депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари ва сайловчилар томонидан тўшаётган саволларга ўз вақтида жавоб бермоқдалар.

— *Участка талабалар шаҳарчасида жойлашган экан, табиийки сайловчиларнинг асосий қисми ёшлар. Қўллари биринчи марта овоз беришга тайёр бўлишса керак. Уларга қандай шароитлар яратиб берилмоқда?*

— Рўйхатга олинган 2665 сайловчидан 1802 таси ёки 67,6 фоизи талабалардир. Улар билан ишлаш кенг миқёсда, қонунлар доирасида ташкил этилган. Сайловчиларимиздан 146 нафари эса сайловда биринчи марта иштирок этадилар. Уларга сайловларга оид барча қонун ҳужжатлари, тегишли адабиётлар, оммавий ахборот воситалари ва махсус кўргазмалар ахборотлар билан таништирилган учун шароит яратиб берганмиз. Бугунги кунга келиб участка сайлов комиссияси томонидан «Университет» маҳалласидаги мавжуд сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш жараёни белгиланган мuddатда якунланди ҳамда сайловларга 15 кун қолганда ҳамма танишиши учун тақдим этилди. Шунингдек, сайловчиларни 12-Қорақамиш сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган олти нафар номзод ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишлари таъминланаяпти. Эндиги асосий вазифамиз сайловларни белгиланган қонунлар асосида ушшоқлик билан ўтказишдан иборатдир. Бунинг учун участка биносида сайлов қўтилари ва яширин овоз бериш учун махсус кабиналар ҳозирлаб қўйилган.

Сайловчиларнинг Олий Мажлис ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар билан учрашувлари ташкил этилди. Ушбу сайловолди учрашувларида маҳалла аҳли, талабалар фаол иштирок этдилар. Сайловчилар томонидан берилган саволларнинг ранг-баранглиги, салмоғи, ошқоралиғи бугунги сайловчи асло кечаги сайловчи эмаслиги, унинг тафаккурида, дунёқарашда янгича мазмун ва моҳиятнинг устуворлигидан далолат бермоқда. Бир сўз билан айтганда, участкамизда сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш ишлари демократик тамойиллар асосида ошқоралик ва адолат устуворлиғи таъминланган ҳолда ўтказилишига ҳаракат қиламиз.

**НАВРЎЗА** сўхбатлашди

### • Менинг нафсим балодур...

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилётганлиги барчага яхши маълум. Бу ишларнинг қонуний асоси сифатида кўп бола оилаларни, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисмининг ҳимоя қилишга оид бир қатор Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси амалда тадбиқ этилмоқда: Афсуски, уларнинг талабларини жойларда бажарилиш аҳоли текширилганда, айрим мансобдор ва масъул шахслар томонидан кам таъминланган оилаларга тарқатилиши лозим бўлган моддий ёрдам пулларини ўзлаштириш, нотўғри тайинлаш ва тарқатиш, ўзларининг шахсий мақсадларига ишлатиш ҳолатларига йўл қўйилётганлиги аниқланди.

Жумладан, Учқудуқдаги Коқпатас

## ШОВВОЗ РАИС ПАНД ЕДИ

кўргони фуқаролар йиғини раиси Жами Досжанов ҳам ана шундайлардан чиқиб қолди. У 1996 йилнинг март ойидан 1999 йилнинг март ойига қадар ушбу лавозимда ишлаган доврида, бир неча моддий жиҳатдан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳақида хиёнат қилади. Уларнинг фарзандлари олиши, еб-ичиши ва кишини учун давлат томонидан ажратилган ёрдам пулларини ўз манфаатига ишлатиб юборди.

Жумладан, у Г.Идигешовлар оиласининг 1998 йил ноябрь ойи учун олиши лозим бўлган 3300 сўм, Б.Жетписбаевлар оиласининг 1998 йилни сентябрь, октябрь, ноябрь ойлари учун олиши лозим бўлган 9900 сўм, К.Ершибаевлар

оиласининг 1998 йилни июль ойи учун 1880 сўм моддий ёрдам пулларини ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, ҳужжатларга ўзи қўл қўйиб ишлатиб юборди.

«Шоввоз» раис эл ишониб топширган лавозимни оқлаш, унга нажот кўзи билан қараб турган, яхши сўзига, ёрдамига муҳтож бўлган ҳаюмрлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўрнига, манфаатларини жамоа манфаатларидан устун қўйиб, халқ ишончини толташдан ҳайқилмади.

Бундан ташқари, у ўз хизмат мансабига бепароҳлик ва ўта соувқонлик билан қораб 1995-1996 йиллардаги кам таъминланган оилаларга тўлаш билан

боғлиқ бўлган ҳужжатларни архив идораларига топшириш чораларини кўрмасдан, уларнинг йўқолиб кетишига сабабчи бўлган.

Аниқланган ушбу ҳолатлар юзасидан Ж.Досжановага нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди ва натижасига кўра айблов хулосаси билан судга юборилди ва унга нисбатан адолатли суд ҳукми ўқилди.

**Облоқул АЗИМОВ,**  
Учқудуқ туманлараро прокурори,  
адлия кичик маслаҳатчиси

• Конституция кунидан

# МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ХУҚУҚИЙ ПойДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик, ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидан бораётгани бутун дунё ҳамжамиятига маълум. Шу сабабдан, жаҳоннинг кўплаб давлатлари мамлакатимиз билан сиёсий, иқтисодий алоқалар ўрнатишга интилоқдалар. Дипломатик алоқаларнинг ўрнатилишида республикамизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, миллатлароро ўзаро тотувлик ва сиёсий барқарорлик асосий омил бўлмоқда.

Конституциямизда кўрсатилганидек, «Ўзбекистон — суверен демократик республика» сифатида тан олинди. Давлатимизнинг мустақиллика эришган кунидан ҳозирга қадар бўлган энг асосий йўналиши фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг кафолатларини таъминлашдан иборат эканлиги айниқса, диққатга сазовордир. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида «**Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар**», дейилиши давлатимизнинг фуқароларга хизмат қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигидан далолатдир.

Сир эмаски, бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро миқёсда жуда катта муаммага айланган. Тинч ҳоёт кегиришни, фарзандларни тарбиялаш, фуқароларда келажакка умид билан қараш ҳиссини мустаҳкамлаш барча давлатларга ҳам насиб этганича йўқ. Оммовий ахборот воситалари дунёнинг турли бурчакларида инсон ҳуқуқларининг поймол этилаётганлиги тўғрисида бот-бот хабарлар тарқатмоқдалар. Ана шундай воқеалардан бохабар бўлаётган юрtdошларимиз мамлакатимиз тинчлигини таъминлаш борасидаги олиб борилаётган савий-ҳароқатларнинг баҳоси нақадар чексиз эканлигини дип-дилдан ҳис этмоқдалар.

Конституциямизнинг 24-моддасида «**Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир**», деб таъкидланган. Ушбу норманинг давлат томонидан таъминланаётгани, бу эса жуда катта масъулақтар ва тинимсиз меҳнатлар вазига аналга оширилган юрtdошларимиз ўқур тушуниб етмоқлари лозим. Яна бир нарсага таъкидлаш жоизки, мустақиллик кадрини тўлароқ англаш учун атрoдфа бир назар солиш, қўшни мамлакатларда бўлаётган хунрезликлар, хусусан Россиянинг ўз мамлакатаи худудида Чеченистон Республикаси билан ҳақиқий уруш олиб бораётганидан тўғри хулоса чиқариш доркор. Агарда мустақил давлат бўлмаганимизда бизнинг фар-

зандларимиз ҳам Россия манфаатларини ҳимоя қилиб, жандга қатнашар эдилар. Менимча, бундай йўлни ҳеч бир ота-она ёқламайди.

Мустақил давлатимизнинг Конституцияси халқимизни ҳор жиҳатдан ҳимоя қилади. Ўзбекистон тараққиётган мамлакатлардаги сингари ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлида ҳамма чораларни кўрмоқда. Мустақилликнинг қисқа даври ичида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизими ташкил этилиб, кундан-кунга тақомиллаштирилмоқда. Республикаимизнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги 40 дан ортиқ халқаро шартномаларни бажориш мажбуриятини ўз зиммасига олганлиги ҳам бу борада нечоғли салмоқли ишлар амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари Конституциямизнинг алоҳида иккинчи бўлимида баён этилган. Унинг 18-моддасида таъкидланганидек, «**Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдига тенгдирлар**».

Бундан ташқари, Конституциямизнинг 43-моддасига биноан давлат фуқароларнинг «**Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш**» кафолатлаган. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари алоҳида мавқега эга. Улар қонун билан ўзларига берилган воқолат доирасида фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини гайриқонуний таъвоузулардан муҳофаза қилишни таъминлаш чораларини кўрмоқдалар.

Конституциямизга мувофиқ амалдаги қонунчилигимизда ушбу ҳуқуқий нормаларни бузганлик учун масъул ходимларнинг жавобгарлиги белгиланган. Яъни инсон ҳуқуқларини ў ёки бу тарзда бузилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мохсус моддалар киритилган. Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ўзлари кўриб чиқаётган, терговини олиб бораётган жиноят ишларида шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини хурмат қилишлари шорт. Қонунда кўрсатилганидек, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонлик, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мўкин эмас. Бундан ташқари, Жиноят-процессуал

кодексининг 18-моддасида «**Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш**» кўрсатилган бўлиб, унда жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслор жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шортлиги таъкидланган.

Конституциямизнинг 25-моддасига мувофиқ ҳеч ким суд қарорига асосланмай ёки прокурор санкциясиз ҳисга олиниши ёки қамолда сақланиши мўкин эмас. Шахснинг қонунда кўрсатилган муддатдан ортиқ ҳибсда ушлаш ёки суд қарориде кўрсатилганидан ортиқ қамолда, озодлиқдан маҳрум этиш жойларида ушлаб туриш мўкин эмас. Фуқароларнинг шахсий ҳаёти, турар жойларининг дахлсизлигини, ўзаро ёзишмалари; телеграф ва телефон алоқаларининг сир сақланишини қонун кафолатлайди. Уларнинг яшаш дахлсизлиги ҳимоя қилинади.

Бутун дунё ҳамжамияти эъзозлайдиган ва эътиқод қиладиган тамойиллардан бири шахснинг айбсизлик презумпциясидир. Ҳар бир шахс жиноят содир этганлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар айбсиз ҳисобланади. Унинг айбдорлигини тергов органлари исботлаб беришлари лозим. Шахс ўзининг айбсизлигини исбот қилиши шарт эмас. Бу эса тергов органларининг ўз ишларига масъулият билан қарашларини, бирор шахс ўзи содир этган айбига икорор бўлиб, деб етарли бўлмаган асосларга мувофиқ айб-лашга йўл қўймаглигини тақозо этади. Зеро, айбсиз кишини жавобгарликка торганлик учун суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг жавобгарлиги қонунда назарда тутилган. Амаллиётда судлар томонидан адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш ҳолатлари ҳам учраб туради. Албатта бундай қонунбузарлиқни содир этган судья ҳам жавобгарликка тортилади.

Юқорида билдирилган фикрларнинг барчаси фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқлари ҳимояси қанчалар долзарб эканлигини кўрсатади. Мамлакатимиз жамиятини демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсизлигини таъминлашнинг янги-янги услубларини қонунларга киритиш йўлидан бор-моқда. Бу эса халқимизнинг эркин ҳаёт ва фаровон турмуш сори дадил қадамлар билан илгариллаб бораётганидан дар-қат беради.

**Ф. РАХИМОВ,**  
Республика прокуратураси  
Қонунчиликни мустаҳкамлаш  
муаммолари ва прокурор-тергов  
ходимлари малакасини  
ошириш Маркази директори

• Прокурор назорати

Ҳазрат Навоийнинг бир шеъри газетхоналаримизнинг ёдларида бўлса керак:

*Бор эмиш аввал замонда бир киши,  
Доимо ёлғончилик қилган иши.*

Шеърнинг мазмун шундайки, бир кунги ўша ёлғончи «уйимга ўт тушди, ёрдам беринглор» дея боқиради. Одамлар келиб кўришса, ҳеч гап йўқ, бу ёлғончининг навбатдаги найранги экан. Аллоҳнинг қудратини қарангки, тез орада унинг уйига рoстдан ҳам ўт тушиб, хонадон куйиб кул бўлибди. Ёлғончи «уйимга ўт тушди, кутқаринглор!» дея ҳарчанд охи зор чекмасин, «фалончи яна хунарини кўрсатапти» деган ўйда ҳеч ким ёрдамга келмабди. Алқисса шу: ёлғончилик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган, ёлғончи ҳеч қачон эл ичра обрў топмаган. Навоий бобомиз беш аср аввал ёзиб кетгани билан бу ҳикмат халқ орасида минг йиллардан бери яшаб келади. Афсуски, ёлғончилик иллати яшавчанликда бу ҳикматдан қолишмас экан.

Ёлғоннинг катта-кичиги бўлмайди. Катта-кичик ёлғончилар бўлади холос. Саккиз яшар мактаб ўқувчиси дарс тайёрамай келиб, ўқитувчини алдади дейлик. Катталарнинг бир-бирини алдаши олдидо бу ҳолат жуда заримасдек тўғрилиш мўкин. Лекин ёлғончиликнинг илдизи мана шу бепарволигимиздан сув ичади. Натижада бир кун келиб бир киши икки-уч кишини эмас, бутун маҳаллани эмас, давлатни алдаганини эшитиб ёқа ушлаймиз. Афсуски, айтаётганимиз реал ҳодиса.

«Диёр» фермер ҳўжалиги «Бўстон» фермер ҳўжаликлари

# БИР ЁЛҒОНДАН ҚИРҚ ЁЛҒОН

уюшмасига қарайди, 1995 йили Зарбдор туман ҳокимининг 125-рақамли қарори асосида ташкил этилган. Ушандан бунён ҳўжаликка Бахтиёр Холмирзаев раҳбарлик қилиб келади. У хоҳласа-хоҳламаса 60 йил колхознинг «тенгликка асосланган «умумий қозони»га қаноат қилиб келган халқнинг вакили сифатида истиқлол берган имкониятдан боши кўкка етиб, фермер ҳўжалиги тузган. АҚШ, Голландия каби ривожланган мамлакатлар мисолида фермер ҳўжалиқларининг жомоа ҳўжаликлари (колхоз)дан ўн, балки юз чандон афзал эканлигини кўриб турибмиз. Ки бунинг эътирофи сифатида юртимизда фермер ҳўжаликлари ривожига жиддий эътибор берилмоқда. Бу эътиборни ҳикоямиз қаҳрамони Бахтиёр Холмирзаев ҳам жуда яхши ҳис қилади. Аммо экин экилган майдонлар юзасидан туман статистика бўлимига ёлғон ҳисобот топширишга уни нима мажбур қилди экан?

Туман прокурори ёрдамчиси, 1-дарожали ҳуқуқшунос О.Жабборов томонидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда, умумий назорат тартибда текшириш ўтказилганда «Диёр» фермер ҳўжалигида пахта экилган майдон ҳисоботда кўрсатилганидан 20 гектар кам чикди. Бироқ, ҳисоботдагидан полиз экинлари 0,4, ерёнғоқ 8,9, маккажўхори 1,2, кунгобоқар 4, сабзи 0,2, картошка 0,8 гектар ошиқча экилган. Булар жами 15,5 гектарни ташкил қилади. Шундоям 4,5 гектар пахта майдонининг ўрни бўш қолган. Бу рақамлар жиддий қонун бузилиш ҳолатларидан дарак бермоқда. Бундан ҳам ўтадигани эса «Диёр» фермер ҳўжалиги Зарбдор пахта тозалаш корхонаси билан 35 тонна пахта ҳам ошеси етиштириб топшириш учун 124-рақамли шартнома тузган ва шу шартномага асосан корхонадан 1999 йилнинг 9 мартидан 28 июнгогача 321125 сўм бўнақ пули (аванс) ва 3210 кг. уруғлик чигит олган.

Ушбуни ўқиган ўқувчи «Диёр»дагилар экмай-тикмай шунча пахтани корхонага қаердан топиб берадилар, деб ўйлаши мўкин. Эҳтимол, бу саволга «Диёр» раҳбари Б.Холмирзаевнинг ўзи жавоби бордир. Бу жавобдан эса яқин тарихимиздаги «ўзбеклар иши»да энг асосий айблов бўлган қўшиб ёзишнинг, сотиб олишнинг хиди келади. Ҳамма фожеа ҳам шунда - пахта етиштиришга буюртма берган, ундан халқимиз учун юздан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришни, ватандошларимизнинг фаровонлигини оширишни режалаштирган давлат алданапти.

Чорвадор чорвадорго ўн йилда, деҳқон деҳқонга бир йилда етади, дейишади. Бу гап тер тўкиб, ҳалол меҳнат қиладиган одамлар ҳақида айтилган. «Диёр» фермер ҳўжалиги раҳбари Бахтиёр Холмирзаев ҳақида эса шунга айтиш керакки, у қилмишига яраша жинойи жавобгарликка тортилди.

«Бир ёлғондан қирқ ёлғон» деган эртақ эсингиздами? Ҳа балли. Бу бир эртақ. Ҳаётда ҳам ёлғоннинг ўмири қисқалиб, оқибати изтиробли эканлигини эсингиздан чиқарманг.

**Шавкат МАРДОНОВ,**  
Зарбдор туман прокурори

## • Жиноятга жазо муқаррар

Совуқ хабар тез тарқалади, дейишди. Тошкент вилояти, Чиноз туманининг Собир Раҳимов номли жамоа ҳўжалигида жойлашган 6-бригада ҳудудидан аёл кишининг жасади топилгани ҳақидаги шов-шув бир зумда ёйилди. Зудлик билан тергов-қидирув ишлари бошлаб юборилади. Тез орада қотил аниқланди: у марҳумнинг бир қориндан таллашиб тушган синглиси Лола Худойбердиева экан. Ё алҳазар!..

Бу даҳшатли воқеа баҳонасида бир ривоят ёдимга тушди.

Қадимда ўтган бир донишманд чол умри поёнига етганда фарзандларини атрофига тўллаб, шундай насихат қилган экан: «Кўзимнинг оқу қораси, жондан азиз фарзандларим. Менинг сизларга қолдирадиган бойлигим йўқ. Фақат икки оғизгина насихатим бор, ҳолос. Шунга амал қилсангиз, нимаи-

Ниҳоят, қамоқ муддатини тугатиб қайтган Дилором уй олиб беринг, деб онасини ҳоли-жонига қўймасди. Иш чиқавермас, «Хаммангни бошингга етман, ўзимни ҳам ўлдираман», дея дағдаға қиладиган бўлди. Аста-секин бу жанжал ва тўпоноқлар жиддий тус олиб, охири-оқибат иш қотилликкача етиб борди.

Ҳаётда ўз ўрнини тополмаган Лола ҳам турмушдан ажралиб, ҳеч қарда ишлайми, онасини билан бир уйда яшаб келаётган эди. Опаси Дилором эса тез-тез жанжал кўтариб, «Уй олиб бе-

Қотил ҳеч нарса билмаган кишидай ўша машинада онаси, акасининг хотини ва жияни Дилафрўз (Дилоромнинг қизи)-ни миндириб, шаҳарни сайр қилдиради. Кўнгли бир нимони сезгандай «нега аям кўринмайди», деб йиғлаган Дилафрўзни Тошхон опа, аянг телефон қилди, деб уни алдашга уринади...

Жиноятнинг содир бўлишида оилавий муҳитнинг носоғломлиги, она ва боланинг бир-бирига номуносиб хатти-ҳаракатлари етакчи омил бўлган. Даҳшонки жанглар, тортишувлар вақтида бартараф этилмагани оқибатида муҳим жиноят юз берган. Меҳр-оқибат кўтарилган оиладаги ғайринисоний муомалалар Тошхон опанинг ҳам дийдасини қотириб қўйган.

Чиноз туман суди бу ишни ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Суд Лола Худойбердиевани

# ЛОЛА

## ОПАСИНИНГ ҚОТИЛИ

ки мақсадларингиз бўлса, ҳаммасига бекаму кўст эришасизлар. Насихатини шуки, бир-бирларингизга меҳр-оқибати, аҳил-иноқ бўлиб яшанглар. Бойлиғу саломатлик ҳам, эл орасида обрў-этибор ҳам меҳр-оқибат туфайлигина келади».

Дарҳақиқат, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат саодатли умрнинг гаровидир.

...Опа-сингиллар - Дилором ва Лола ёшларида жуда иноқ эди, уларга кўни-кўшиларнинг ҳаваси келарди. Аяниқса, Дилором синглиси Лолани жонидан ортиқ суяр, уни кимдир ҳафа қилгудек бўлса, синглисини аламини олмай тинчмасди. Опасингилларнинг иноқлигини кўриб, Янгибой ака ва Тошхон опанинг боши осмонга етарди.

Орадан йиллар ўтди. Опасингиллар буй етиб, оила қуриб, бола-чакали бўлишди. Тошхон опа болаларини бошпонали қилиш ниятини уй-жойини сотиб, пулига кўп қаватли уйлардан учта квартира сотиб олди. Улардан бирини қизи Дилоромга берди. Кўп ўтмай, қалтис ишга кўл урган Дилором қамолди. Чоросиз қолган она Дилоромга берган уйни сотиб, пулни эса жазони ўтаётган қизининг олдига бориб-келиб сарфлади.

ринглар», дея қисталонг қиларди. Ана шундай кунларнинг бирида, яъни, ўтган йилнинг 18 декабрида соат тахминан 16.00ларда Дилором Худойбердиева уй масаласида яна жан-жаллашиб, онасига личоқ ўқатиб турганида Лола келиб қолади. Вазиятни кўриб, зудлик билан онасига ташланади... Қил-илкини қилиб қўйган Лола шу куни кечкурун акаси Анварни кига бориб, ота-онасига тегилли «Москвич» русумли енгил автомашинани сўраб олади ва жиноят изини яшириш мақсадида опаси Дилоромнинг жасадини машинанинг орқа ўриндиғига ортиб, Чиноз тумани, Собир Раҳимов номли жамоа ҳўжалигининг 6-бригадаси ҳудудида етиб келади. Атрофга алаңлаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, жасадини машинадан туширади ва устига бензин қўйиб, ёқиб юборади.

Бу кўргуликдан даҳшатга тушиб, ёқа ушлайсан, киши. Ҳатто йирткич ҳайвон ҳам бу қодар ёвузликка бермаса керак. Нафақат эзгулик қонунларига, балки оддий табиат тартиби-йўриғига мутлақо зид бўлган бундай шафқатсизликни эшитган ҳар қандай одам эс-ҳушидан ажрашиб тайин.

Жиноят кодексининг 97-моддаси, 1-қисми билан айбдор деб толиб, 10 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Оқибатсизлик, меҳрсизлик эса бир оилани қасод қилди: туғилган опа воҳишлик қурбони бўлди, сингил узок муддатга қамалиб кетди. Дилоромнинг ўз қилгиликлари оқибатида бевақт ажал топгани, болалари етим қолгани, Лоланинг қаттиқ тартибли колонияда жазони ўтаётгани ва бу аччиқ қисматлар юки она юрагига тошдай оғир ботиши ҳеч кимга сир эмас.

Мудҳис жиноятга кўл урган Лола қамолди. Барибир йиллар, ойлар ўтиб, у яна қайтиб келар. Лекин у ўз опасининг боласи - жиянининг қўзига қайси кўз билан қарайди?

Ҳа, Янгибой ака ва Тошхон опалар энди оёғини узатиб, қарлик гаштини сурмонан, деб туршиганида она шундай фожеага дуч келишиди. Уларнинг чекига тушган бу мусибат бағримизда босиб тарбиялаётган фарзандларимизни, уларнинг ахлоқ-одобини, юриш-туришини мунтазам кузатиб, назорат қилиб боришимиз зорурлигини уқтиради.

Азамат СУЮҚОВ, журналист

## • Хоризм қонучилиги

### ЎСМИР ЖИНОЯТ ҚИЛСА...

ГФРда қонун талаблари қатъий бажарилади. Унга асосан 14 ёшга тўлмагани, шунингдек оғир жиноят содир этса ҳам қамоққа олиб бўлмайди.

Воёга етмаганлар жиноятини олдини олиш учун профилактик тадбирлар олиб борилаётган бўлсада, жиноятчилик ўсиб бормоқда. Профилактик тадбирлар тури жамоат ташкилотларининг бошқарув органларида ташкил этилган ёшлар бўлимлари, махсус ходимлар, мактаб, адлия органлари каби қатор инстанциялар томонидан олиб борилади.

Германияда ҳуқуқбузар «жиноят субъекти» ёшига тўлган бўлса, қандай иш қилишни яхши билишди. Жиноят кодекси билан низога кирган воёга етмаган билан эса, акоринда тилга олинган барча инстанциялар унга нисбатан тарбиявий таъсир чораларини ишлаб чиқадилар. Полиция бундай ҳуқуқбузарни қўлга олганда, бу ҳақда ота-онасига, суд инстанцияларига хабар қилади. Улар эса воёга етмаганини темир панжара ортга эмас, кўчаларни тазалашга, ойна ювишга (албатта барча хавфсизлик қондалари доирасида) ва ўз гуноҳларини ювиш учун бошқа шу каби жамиятта фойда келтирувчи ишларни бажаришга сафарбар этилади.

Жиддий ҳуқуқбузарликларда ёки воёга етмаган рецидив ҳолатга тушадиган бўлса, улар мутахассислар назорати остида бўлган махсус интернатларга жойлаштирилади. Бу ерда ҳеч қандай кишан, қарцер, қатта ёшдаги жиноятчилар билан алоқа бўлмайди. Унинг интернатда бўлиш муддати қатор шартлар асосида белгиланади: унинг ҳулқ-атвори реал яхшиланганлиги, ота-онаси ёки қариндошларининг болага қариллик бериш тўғрисидаги илтимосига ишонши мумкинлиги. Лекин бу муассасаларнинг қўлида етук мутахассисларнинг етишмаслиги болаларни яна жиноят оламига кириб қолишларига сабаб бўлмоқда. Масалан, Хайтем исмли бола бир неча йилдан бери Кёльн шаҳрида ўзининг босқинчилик ҳужумлари билан ном қилган. У отасини умуман билмаган, онаси эса кун буйи ишда бўлган. Ёшлар ташкилоти унга ўзининг таъсирини ўтказма олмади. Уни кўнглини топиш учун қилинган суҳбатлар натижа бермаган, интернатдан қочиб кетаверган. 14 ёшга тўлишидан икки ой олдин у кўчада навбатдаги босқинчилик ҳужумини амалга оширган. Полиция уни ушлаб, қўлга кишан солиб руҳий касалликлар шифохонасига олиб борди. Шифохонада унга мутлақо соғлом деган ташхис қўйилади. Бу эса уни мавжуд қонунларга кўра озод этишга сабаб бўлди.

ГФРда ёшлар жинояти жамоатчиликнинг қизгин баҳаслари доирасидан чинқий қолмоқда. Бу борадаги келишувга эришмаган немислар, тарбияси «оғир» болаларга нисбатан бераҳмларча муносабатда бўлишга қарши чинқомқдалар. Шу билан бирга айрим доиралар жинойи жавобгарлик ёшини биров қисқартириш ҳақидаги таклиф билан чинқомқдалар.

(Хоризм матбуотидан)

## • Огоҳ бўлинг, одамлар!

# ЛОҚАЙДЛИК ҲАМ ЖИНОЯТ

Ёз ўрталари. Ишдан чиқиб, автобус бекатига келсам, самарқандлик дугонам Баҳригул турибди. Кучоқ очиб кўришдик. Чунки қишки сессиялардан бери кўришмаган эдик. Баҳригул ўрта мактабда тил ва адабиётдан дарс беради. Тошкентга келса доим биргамиз. Кўнгли очик, тўғри сўз, лобар аёл. Оилали, икки нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи ҳам зиёли одам. Оиласи, болалари ҳақида тўлқинлана гапирди. Меҳмон бўлиб кетгин десам, Тошкентга иш билан келганини, кечкурун автобусда Самарқандга қайтишини айтиб, узр сўради.

Автобус «ҳа» деганда келавермай, суҳбатимиз анча қизиди. Бекатда йўловчилар кўпайиб қолди. Шу пайт ёнгинамизга усти-боши бир ҳолатда бўлган, сув юзидаги пўкакдек чайқалиб бир киши келди-ю, бекатнинг темир тўсигига ёпишди. У оёқда зўрға турарди. Атрофдагилар ўзини четга олишди.

Дугонамнинг нигоҳи ҳамон ўша мастда эди. Бир оз ўйланиб туриб, «уф» тортиб қўйди... ва шу йил баҳор ойида қишлоқларида ичкилик туфайли содир бўлган бир фожеани сўзлаб берди.

- Назира билан (исми ўзгартирилган) бир қишлоқда катта бўлганмиз. Ўрта мактабни тугатиб, мен ҳам, Назира ҳам олий ўқув юртига ўқишга кирдик. Дугонамнинг ўқитувчилиликка иҳлоси баланд эди. Ўқиши яримлаган вақтда турмушга чиқди. Шу баҳона ўқишни сирткига ўтказиб, ўзи ўқиган мактабга ишга келди. Бу орада мен ҳам ўқишни тугатиб, шу мактабда иш бошладим. Иккаламиз бир жойда ишлай бошладик. У бошланғич синф болаларига дарс беради. Ишга чанқок, ташаббускор, ўқувчиларига меҳрибон эди, раҳматли. Мактабда жуда яхши обрўга эга эди. Бу орада икки фарзанднинг онаси бўлди. Аммо кейинги пайтларда тез-тез касалга чалинадиган, дарсларга келмайдиган бўлиб қолди. Ранг-рўйи ҳам сарғайиб борарди. Ҳол-аҳвол сўраганларга:

- Энди турмуш-да. Муштлиги бор экан. Яхши бўлиб кетар, - деб қўя қоларди. Оиласи, турмуш ўртоғидан нолимас эди... Лекин инсон бардошининг ҳам, сабр-тоқатининг ҳам чегараси бўларкан...

Эрта баҳор тонг отар чоғида дугонамдан айрилиб қолдик. Кейин билсам, Назира ўз жонига қасд қилган экан.

Хотинини одам ўрнида кўрмайдиган пиёнети эрнинг хўрлашлари, бойликка муккасидан кетган, оқни-қора дегувчи қайнонанинг ўринсиз дашномлари фожеага сабаб бўлибди.

Назиранинг ҳаётдан умиди катта эди. Не-не ниятларда педагогика олийгоҳини аъло баҳоларга битирган. Болаларини ҳам ўқитиб, роҳатини кўрмоқчи эди. Орзулари ўзи билан кетди...

Дугонамнинг ҳикояси қалбимни ларзага солди. Шу-шу кўча-қўйда маст одамни кўрсам, нафратим кўзийдиган бўлиб қолди.

Шу билан бирга бир савол менинг қалбимни ўртарди. Мустақил Республикамининг ҳамма туманларида ибратли фаолият кўрсатаётган маҳалла қўмиталари Назиралар истиқомат қилган қишлоқда йўқмиди? Албатта, бор. Раис ҳам, фаоллар ҳам бор. Нега нопок инсон бир муштипар онага йиллаб зулм ўткази-ю, уларнинг хабарлари бўлмайди? Уйда ноқонуний равишда ароқ-вино тайёрланади-ю, милличи ходимларга беҳабар. Туман бозорларида ана шу «захриқотиллар» куппа-кундузи очикдан-очик ноқонуний равишда сотилади-ю, бозор маъмуриятининг парвои палак...

Икки норасиданинг меҳрибон онаси ана шу лоқайдлик кўрбони бўлмадимикан?

Шу ўринда, огоҳ бўлинг одамлар, дегим келади. Кам бўлса ҳам орамизда «курмаклар» бор. Уткинчи қийинчиликларни пеш қилиб, нопок йўллар билан бойлик орттирмоқчи бўлаётганлар, оиласи, фарзандларига бефарқ бўлиб, мустақил юртимиз келажигига доғ тушираётганларнинг йўлига мустаҳкам қонун тўсиги қўйилган. Агар унинг ёнига «кенг жамоатчиликнинг фаоллиги» деган яна бир талабни ҳам мустаҳкам қилиб ўрнатсак, ана шунда бу тўсикни ошиб ўтишга бирон кимса журъат эта олмайд.

Наврўза ЛУТФУЛЛАЕВА,  
«Ҳуқуқ» муҳбири

• Воқеи ҳикоя

«Ассаломуалайкум!

Исми Зарифа, ёган юрагимга өзгина давл бўлиши учун Сизга мактуб ёзмақдаман. Ёқа-ю ёғиз сунчим, шонганим, кўз очиб кўраганим - Ҳикмат акам эди. Афсуски, у билан бор-йўғи уч ой бирга яшадик. Кейин у қамалиб кетди. Ўз акасининг қотили бўлди. Биламан, Сиз «қотил» сўзидан, шу номни олган химсадан жирканасиз, нафратланасиз. Ахлида ҳам шундай.

Лекин кўзининг қонга тўлиши, бутун вужуд ҳиссиёт ичра қолиб, шайтон измида пичоқни қўлга олиш шундай бир ҳолат эканки, буни мен ўша кун, ўша машғум кечада ўзимда ва қадрдон эримда синадим...

(Зарифанинг муассасага ёзган мактубидан)

\*\*\*

Зарифа эндигина ўзида рўй бераётган ўзгаришларни сезиб, аллоқандай ширин ҳиссиётлар ичра қоларди. Кўз остларига ўзига хуш келадиган сепкил-сифат доғлар тушиб, хилчагина бели йўғонлашгани сайин атрофи ганч билан ишланган кўзгудан уялгансимон кўз олиб қочарди. Наҳотки энди Ҳикматнинг орзуларини рўёбга чиқарса, наҳот у ҳам она бўлиб, ширин фарзандларни етаклаб юрса... Уч ойлик гўзал кўнларнинг секинчи кизнинг бутун вужудига синган, янада очилиб, янада чиройга тўлиб, ҳаётга ҳавас билан қарар, бу бахтни ҳотто тасаввурига сиғдирилмасди...

\*\*\*

Терговчи: — Ўша кеча қаерда эдингиз?

Ҳикмат: — «Обод» колхозида. «Сан-жар» фирмасининг директори Аҳмад аканиқиди. Углининг туғилган куни эди.

Терговчи: — Соат неччиларда қайтдингиз ўйга?

Ҳикмат: — Тунги соат иккилар бор эди.

Терговчи: — Кўп ичган эдингизми?

Ҳикмат: — Ўртача...

\*\*\*

Зарифани эндигина уйку элиттанди. Чиройли киприклари ҳали бир-бирини моҳам қучиша ҳам улгурмаганди. Тўстодан: «Зарифа, эшикни оч, Ҳикматнинг аҳволи оғир, тезроқ очсанг-чи», деган овоздан чўчиб уйғонди. Бир амаллаб, ўзини кўлга олди. Хаворанг ҳалатга ўраниб, эшик томон юрди.

— Кимсиз?

— Мен, қайнаканг Толибман, оч эшикни!

— Ҳикмат акам йўқлар.

— У шу ерда, аҳволи оғир, унга нимадир ичиришган, ҳушидан кетиб қолди...

«Оғир... ичиришган». Зарифа ҳозиргина миясига урилган бу сўзлар маъносини қақиша ҳам улгурмади. Жон ҳалатда эшик занжирига ёпишди. Эшик ортда эса... равоққа сувянган куйи қайнақаси тиржайиб турарди...

\*\*\*

Ҳикмат: — Келсам, эшик очик экан. Ҳеч нарсадан иккиланмай ичкарига кирдим. Не кўз билан кўрайки, Зарифа жон талвасасида, акамнинг қўлидан ўзини бўшатоолмай қийналарди.

Терговчи: — Акангизнинг шундай қилишига нима сабаб бўлиши мумкин?

Ҳикмат: — Билмадим, ҳеч нарса дея олмаман.

Терговчи: — Акангиз хотинингизга қандай қарарди?

Ҳикмат: — Доим мақтарди уни...

Терговчи: — Очикроқ гапласаж.

Ҳикмат: — «Хотининг чиройли, зўридан топдинг», дерди...

\*\*\*

Терговчи: — Ичганлигини билибсиз, уйга киритмасликка ҳароқат қилмадингизми?

Зарифа: — Унинг эрим ҳақидаги гапларини эшитиб, девяри оқлимда ажра-лаёздим. Эшикни қандай очганимни ҳам

эслай олмаман.

Терговчи: — Қайнакангиз ўша кунги воқеадан олдин ҳам сизга тегажойлик қилганмиди?

Зарифа: — Нимагадир мен ундан кўрқардим. Учрашиб қолгудек бўлсам, мендан кўзини узоқласди.

Терговчи: — Уни тўйингиздан олдин ҳам танирмидингиз?

Зарифа: — Йўқ...

\*\*\*

... — Кўйворинг! Нима қиляяпсиз, уялмайсизми? Вой дод! Ердам беринглари!!!

Толиб келинни маҳкам қучоқлаб олган, Зарифанинг тилпирчилаб, йиғлаб, бақиршиш унга қор қилмас, нима қилиб бўлса-да, шайтон амр этган ҳайвоний хирсини қондиришга интиларди.



— Тилпирчилама, ўзингни бош! Сен учун боримни бераман. Сен меники бўласан. Аҳмоқлик қилма! Бақирма!

— Йўқ! Ҳеч қачон! Эшитаяпсизми, ҳа ҳеч қачон! Ҳикмат ака! Қўтқаринг!

Зарифа худди билиб эрини чақиргандек эди. Эшикнинг очик тургани ҳам ойни мундао бўлди. Қутилмаган воқеа устидан чиқиб қолган Ҳикмат ҳайвондек бўкириб, акасига ташланди...

Соғлари тўзиган, ранг-рўйи бир афзога келган Зарифа эрининг кўрқинчли йиғисидан ҳушига келди. Укириб йиғлаганича ўзини Ҳикматнинг кўчоғига олди. Отди-ю... Шу оннинг ўзида юлқиниб унинг кучоғидан чиқди. Эрининг қўллари қонга беланган эди...

\*\*\*

Холиса: (Толибнинг хотини) — Зарифанинг ўзи суюқроқ! Қачон эрим билан уларнинг уйига борсам, унга суйқалиб оларди. «Эртога кетарсиз», «қолиб кетинг», «қунагангиз бошқа, сиз бошқа» деган гаплар билан эримни эритарди. Ҳаммасини расво қилган ўша аҳмоқ, ўзи тақлиф қилган эримни уйига. Ҳа, ҳа, ўзи уюштирган ҳаммасини. Иккаласиниям турмада чиритмасам, ўлай ақор...

Холисанинг онаси: — Қизганимни тўл қилди, кўрнамақлар! Қўзини сузди, қошини қокди. Билардим ўша қароқошнинг ботинини! Ҳаммасига Ҳикмат айбдор! Хотинини эғлай олмади, кўчага ташлаб қўйди, мана оқибати, бирдан-бир қизганимни юрак-бағрини эзишди!

\*\*\*

— Жон акажон! Наҳот шу тўхматларга ишонсангиз! Наҳот ёнган юрагимга яна олов қўйсангиз! Ахир, бирон марта сўзингиздан чиққанмидинг, бирон марта сиздан беамсалаҳат иш кўрганмидинг. Сизсиз кўчанинг бети ҳам ҳаром эди-ку мена! Нимага қийнайсиз мени, жон ака!

Ертўланинг захидан кўз атрофлари ишшган, соч-соқоллари бир нави ўсган Ҳикмат икки қодамча нарида, қалин ойна ортида туриб, телефонда йиғлаб

гапирётган Зарифанинг синик нигоҳларига термулиб, ҳушсиз турарди. Тушликка яқин терговдан қайтган, акасининг хотини ва қайноасининг берган кўрсатмалари уни қийнаб турарди.

— Зарифа! Бахтсизлик бизни ўраб олди! Энди мени унут! Эрингни бошқа излаб келма! Мен қайтмайман!

\*\*\*

...Толиб укасини яхши кўрарди. Ёш бўлса-да, ота-онасининг укасига нисбатан гомхўр муомаласидан, кучли эътиборидан гаши келмас, аксинча ҳавас билан қарарди. Қўлига нима тушса укаси билан баҳам кўрар, ҳатто Ҳикмат уйда бўлмаса, оғвак ҳам емасди. Иккита ўғилнинг бу қадар меҳр-оқибатидан ота-онаси чекиз қувонширарди. Ҳатто ака-ука мактабга ҳам бирга бориб, бирга

мас, тўғрироғи, бу ҳақда кўп бош ҳам қотирмасди.

— Укангизнинг «таннози» доим устимдан қулгани-қулган, «биз бахтлимиз, турмушимизга кўз тегмасин», дейди. Илоё, ёган оши зоҳар бўлсин ўша олифтанинг...

Холиса Зарифани ўлгудек ёмон кўрарди. Шу сабаб, Толибга ҳам укасини бориб кўришга руҳсат бермасди. Бордию эрининг укасиникига бориб келганлигини сезса катта жанжал учун кичкина сабаб унинг учун таппа-тайёр эди. Уйдаги галвалардан қоғиб кўчага чиққан Толибга эса ошно-оғайнларининг «маслаҳати» асқотарди.

— Эрккомисан ўзи! Қайфингни қилиб, ялло қилиб юрмайсанми бизга ўхшаб. Қачончага хотининг гапига кириб, девона бўлиб яшайсан! Ўқшини йиғиштир, ўқиб ким бўлмоқчисан ўзи, кўрмаяпсанми ўқиганларнинг ҳоли қанақа эканлигини?

Толиб ёнгинасида тинимсиз жавроётган Алининг сўзларини бир сўз демай тинглар, ҳозиргина томирига қулолган қорадори уни элитар, хаёлларини чекиз кенгликларга олиб қочарди. Сўзлашгиси ҳам келмас, гўё қандайдир нотабиини лаззотга қоришиб кетгандек эди. У Али айтмаса ҳам аллақачонлар ўқишни тарк этган, ота-онасини ва бир пайтлари жондан азиз бўлган укасини ҳам олдаб юрарди. Лекин бу бедаво дард уни қурбон қилаётганини, тешилган томирлари бир куни бу илма-тешиқликдан чарчаб, танадан умуман воз кечишини, юрак эса ўзига қарши қалаётган ҳиссиётларнинг азобини кўтароолмай ўнсиз йиғлашини ва ҳор қандай фалокат ва гирдобга киришга тайёр эканлигини билдириб турарди...

\*\*\*

«...Менга ердан беринг... Икки йил бўлди, юрагим қонга тўлди, бугун ҳиссиётларим сўлиб, адо бўлдим. Ўзимни-ўзим бир нима қилиб қўйишдан бошқа чорам қолмади. Эрим билан учрашимизга, очикча гаплашимизга имкон беринг! Ахир, ундаги гурур ҳеч бўлмаганда, ўз фарзандининг қаро кўзларига боқшни истар...»

(Зарифанинг муассасага ёзган мактубидан)

\*\*\*

Зарифа ҳам ўзига яраша гурурли эди. Собр билан иш кўришни кекса момосидан олган, дардларини имкон қадар енгиб яшарди. Эри жазо ўтаётган жойга борса, балки учрашув беришар, Ҳикмат билан балки дийдор кўришар, лекин ўзи тақлиф қилмагунча бориб келишни хаёл ҳам қилмасди. Углининг дардида мудом йиғлаётган қайноаси, ўз хаёлини бирова билдирмай, тинчгина Аллоҳдан мадад сўраб, кетмон қалаётган қайноасининг юмушлари билан оворда бўлиб кун ўтказар, норасида форзандини оқ ювиб, оқ тараб, тушунмаса-да унга кечалари дардини тўқарди. Ўша муассасага жўнатган иккита хотини эласа гоҳ-гоҳ кўрқиб кетади. Лекин куни кеча муассаса бошлигиндан келган жавоб хотини олиб, сал бўлсада дили ёришди. «Турмуш ўртоғингиз соғ-саломат! Қонун доирасида учрашувлардан фойдаланишингиз мумкин», деб ёзишди. Йўқ, бори-бори йўлга чиқишга ботинолмади. Бир сўзли қайсар эри «қилғиликни қилиб, энди излаб келдингми» деса-ки? Бундан ортик ҳам борми?

Қайноасининг хотини-ку, эрининг маъроқалари тугамасдан бошқа эрга тегиб кетди. Маҳалладаги гап-сўзлар ҳам тинчиб қолди. Лекин кўча бетини кўришдан ҳам уялиб яшаётган Зарифагина қачон дили ёришсини, излаб-излаб топган бахтини айрилиқ гирдобидан қачон тартиб олишини ўйлаб эзиларди. Унинг учун эгона мадад собр қилиш, вақтни ҳакам билиб яшаш эди, ҳолос...

(Давоми кейинги сонда)

## • Юлдузлар ҳаёти

## МАРК ДАКАСКОС



Марк Алан Дакаскас 1964 йил 26 февралда Гавайя оролларидаги Гонолулу мавзесида спортчилар оиласида дунёга келди. Унинг отаси кун-фу бўйича сабоқ берарди. Шу сабаб бўлса керак, Марк ёшлигидан кун-фу ва вон-хоп-кен-до билан шуғуллана бошлади, ҳатто бу борода қора белбоғ соҳиби ҳам бўлди.

Марк олти ёшга тўлганида ота-онаси Америкага кўчиб келади. Худди шу ерда Марк турнирлардаги илк ғалабаларини қўлга кирита бошлади. У биринчи совринни етти ёшда эгаллайди. Тўққиз ёшида халқаро турнир қолиби, ўн ёшида эса, бу вақтда улар Германияда яшарди, отасининг мактабидан вон-хоп-кен-додон сабоқ бера бошлади. Шуни таъкидлаш

жоизки, Европада ўтказилган саккиз йил унинг шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Марк энгил вазнда кун-фу бўйича Европа чемпиони бўлди. Бу пайтда у 19 ёшда эди.

Шундан сўнг, унинг учун янги давр — кинода суратга тушиш бошланди. Унинг энг муваффақиятли ишларидан бири — Жон Франкен Хаймернинг «Доктор Моро ороли» фильмидаги ҳайвонсифат одам ролидир.

Шуниси диққатга сазоворки, Марк бошқаларга ўхшаб фақат жангари фильмлар учун мослашиб қолган эмас. У ҳар қандай чуқур руҳий ролларни ҳам маромига етказиб ижро этаолади.

— Бунинг бош сабаби, — дейди у, — Шарқ яққа қурашининг ўзи фалсафа ва руҳиятдир. Фақат бу жиҳатни ҳис қила билиш зарур.

Марк Дакаскас фильмларда табиий ўйнашни ёқтиради. Махсус эффектлар ва компьютердан кинода фойдаланишни ёқламайди. Бундан ташқари, у икки нарсани — Ҳолливуд жангари фильмларини ва мол жигарини ёқирмайди.

Кун-фу фильмларининг янги юлдузи Марк Дакаскас икки тил — немис ва инглиз тиллари-

да бемалол гаплаша олади. Хитойча ва французча ни тушунади. Саҳнат, китоб, музика ва тасвирий санъат жону дили.

Марк Дакаскас учун Шарқ яққақураши тақдир ишига айланган. Ҳали-ҳануз бу билан шуғулланиб келади. Режиссерлик қилиш ва ўз фильмларини яратиш ягона орзуси.


— Бу ниятим албатта амалга ошади, — дейди Марк. — Тез орада ўз фильмларимни олишни бошлайман. Бу фильмларда руҳият бош планга чиқади. Балки жангари фильм бўлар. Бирок, жангари бўлса ҳам, Ҳолливудникига ўхшаган эмас, Жон Ву услубида яратилади.

Марк Дакаскас иштирок этган кўплаб фильмлар ўзбек томошабинларига ҳам яхши таниш. Ҳатто томошабинларимиз орасида унинг мухлислари ҳам жуда кўплаб топилади. Айниқса, сўнгги йилларда унинг иштирок клада суратга олинган «Дройв», «Генозавр», «Қочоқлар макони», «Йиғлаётган қотил», «Кик-боксёр 5» каби фильмлар оллақачон томошабинлар қалбидан жой олиб бўлган.

Биз бо ажайиб актёр тўғрисидаги қисқача ҳикоямизни яқунлар эканмиз, ўйлаймизки, у ўз мухлисларини бундан кейин ҳам янги-янги образлари билан хушнуд этаверади.

«BRAVO» журналидан

## • Кроссворд



**Энига:** 7. Машҳур модельерлардан бири. 8. Давлатни бошқариш усуллари билан бири. 9. Гуручдан тайёрланадиган таом. 11. Устачилик асбоби. 12. Мурдани ёриш билан шуғулланувчи шифокор, мутахассис. 15. Республикамиздаги жамғармалардан бири. 18. Мамлакатимиздаги сув омборларидан бири. 19. Қорақалпоғистон республикасидаги шаҳар. 20. Қўшиқ. 21. Қиз болалар исми. 23. Махфий гап, аширин маълумот. 24. Базм, шодийна. 26. Тўлқин қабул қилувчи қурилма. 28. Европадаги давлат. 32. Мамлакатимиздаги вилоят. 34. Давлат мустақиллиги асосларидан бири. 35. Баҳова, хушманзара жойларга бериладиган таъриф. 36. Европадаги давлат. 37. Томоқ оғриганда оғизни чайқашда ишлатиладиган тош.

**Бўйига:** 1. Гимнастик машқ тури. 2. Европада ишлаб чиқариладиган автомобиль русуми. 3. Хўл мева. 4. Сабзавот экинни. 5. Дўст. 6. Қирғизистондаги туман. 10. Африкадаги давлат. 13. Оқил, фозил киши. 14. Дунёда машҳур рус модельери. 16. Жасорати билан машҳур турк аёли. 17. Республикамиздаги қўл. 22. Замонавий халқаро ахборот тармоғи. 25. Парвона, гирдикапалак бўлиш. 27. Кварц гуруҳига мансуб тош. 29. Афсоналарда тасвирланадиган, гўрдан чиқиб одам қонини ичувчи махлук. 30. Хитойдаги шаҳар. 31. Осиёдаги давлат. 33. Уй ҳайвони.

Тузувчи: Х. ХАЙИТОВ

## Ўтган сонда берилган кроссворд жавоблари:

**Энига:** 2. Охота. 4. Ангар. 8. Беруний. 9. Бегона. 10. Асп. 12. Нон. 13. Най. 15. Амр. 17. Малак. 18. Нағал. 20. Банан. 22. Елабуга. 23. «Титаник». 24. Метро. 25. Аждар. 26. Бутун. 28. Она. 30. Нон. 32. Мот. 34. Мих. 36. Лондон. 36. Азимут. 38. Инсон. 39. Гилос.

**Бўйига:** 1. Анбиё. 3. Хундай. 5. Ангина. 6. Агами. 7. Берк. 11. Рим. 12. Нок. 14. Афғонистон. 16. Монтевидео. 18. Нафсим. 19. Лесато. 20. Барака. 21. «Наштор». 26. Бит. 27. Нам. 29. Амден. 30. Ихтиро. 31. Белиз. 33. Агат. 35. Мотор.

## • Шунақаси ҳам бўлади

## БИРОВА ЧОҶ ҚАСИМАТАРДИ...

Руминиядаги қишлоқлардан бирида маҳаллий чўпонлардан бири оламдан ўтди. Марҳум Петр Василакни хотирлаш учун стол безатилди. Бироқ унинг жасадини қабристонга олиб кетаётган автобус йўлда автохалокатга учради. Тўсатдан рўпарадаги муолишдан катта тезликда юк машинаси чиқиб келиб, автобусга урилди. Каттик силкинидан Василакнинг жонсиз жасади тобутдан қулаб кетиб, полга тушди ва... у тирилди.

Кейин маълум бўлишича, чўпон асида ўлмаган экан. Фақат у каттик уйкуга кетган, ҳоло.

Аммо «тирилган мурда»нинг ўрнига автобус ҳайдовчисини, кўмишига тўғри келди. Сабаби авария оқибатида автобус ҳайдовчиси Мирчо Попеску ҳалок бўлганди. Энди ростдан ҳам ўлганлиги шубҳа бўлмаган янги ўлими қозиб қўйилган янги қабрга кўмиб қўяқолишиди. Дорвоке, ўзини хотирлаш учун безатилган дастурхон устида Петр Василак энди Мирчо Попеску хотираси учун қандаш кўтарарди...

## Бунга нима дейсиз?

Кўпхотинлик — бу фақат орзу қилиш мумкин бўлган даҳшатдир.

## • Бу қизик

## УМР ЎТМОҚДАДИР...

Инсон умрининг асосий қисми нимага сарф этилади? Бу ҳақда ҳам кимдир бош қотирганимикин?

Ҳа, бу хусусда ҳам тадқиқот ўтказиб, маълум хулосага келган мутахассислар бор. Жумладан, франциялик олимларнинг юқорида саволимизга берилган жавоблари қуйидагича:

Урточа умргузаронлик қилувчи европалик ҳаётнинг:

- 30 йилни тик оёқда туриб;
- 23 йилни ётган ҳолда;
- 17 йилни ўтириб;
- 16 йилни юриб;
- 8-9 йилни иш билан;
- 3-6 йилни транспортда;
- 2 йилни суҳбатларда;
- 6 йилни телеэкран каршида;
- 560 суткасини егулик тайёрлаш;
- 6-7 йилни оқатланиш;
- 945 суткасини ўқиш;
- 920 кунни хасталиқлар билан;
- 305 суткасини анкеталар тўлдирши;
- 250 суткасини мутолаа;
- 180 суткасини телефонда гаплаши билан;
- 177 суткасини кийиниш (эркаклар);
- 531 (аёллар);
- 140 суткасини навбатларда туриб;
- 117 суткасини ванна ёки душда (эркаклар);
- 531 (аёллар);
- 110 суткасини ишқий ўйинлар;
- 50 суткасини йиғлаш;
- 623 суткасини кулиш билан ўтказди.



Мана, биз ҳам висолга етдик...

## • Бир чимдим кулгу

Денгизда қучли тўфон кўтарилди. Кема келган одамларга қараб:

— Жаноблар, ваҳима қилинмасин! Вазият назорат остида. Мен аёллар ва болаларни қойиқларга ўтказиб, кемадан узокроққа олиб кетишларини буюрдим. Сабаби, ҳамма кетганидан сўнг эркакларга битта латифа айтиб бермоқчиман.

Қиз онасининг олдига ййлаб келди.

- Нима бўлди?
- Эрим урди.
- Эрингиз? Ахир у сафарга кетган эди-ку.
- Мен ҳам шундай деб уйлагандим-да...

Дорихона.

— Кеңирасиз, жаноб. Бу захарни харид қилиш учун махсус рецепт керак. Афсуски, қайнонаңизнинг сурати қифоя қилмайди.

Бир аёлнинг ўнра ўғли бўлиб, ҳаммасининг исми бир хил - Боря экан. Ундан сўрашди:

- Айтинг-чи, сиз уларни қандай ажратасиз?
- Оталарининг исми билан.

Икки ўғри суҳбатлашапти:

— Менин бирдан-бир орзум, биронта йирик банкни ўмарсам, унинг сейфида қайнонамнинг бармоқ изларини қолдириб кетсам.

## Хуқук

## ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган.

## ТАБСИЧЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Кўнун ҳимоясида» журналі

Манзил: 70047, Тошкент шаҳри, академик Я. Ғуломов кўчаси, 66-уй  
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

## Бosh муҳаррир: Абдуҳалиқ АБДУРАЗОҚОВ

Тахир хайъати: Буриташ Сайфуллаев, Ботир Пулатов, Бахтиёр Назаров (Бosh муҳаррир ўринбосари), Мэлс Навоев, Дилшод Исмолов (масъул қотиб), Лола Шомуротова, Зайниддин Мамадалиев

Навбатчи: Д. ХАЛИЛОВ

Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.САИДОВ баъжарган

## «Хуқук» оригинал макети

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босилди.  
Манзил: Тошкент ш., Буёқ Турон кўчаси, 41.

Бьямил А.3 Нусхаси-12349

Бўжмал-1036

Муаллифларнинг фикри тахририят фикридан фарқланши мумкин. Кўчириб босилганда «Хуқук»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлма ва суратлар эгаларига қайтарилмайдиган.

Босмоқчона топшириш вақти: 20.00. Топширишди:

1	2	3	4	5	6	7	8	9
---	---	---	---	---	---	---	---	---

Сотувда эркин нархда